

Марҳабо Собирова

# НАСТАРИН ЧЕЧАГИ

*ШЕЪРЛАР*


Тошкент  
«Янги аср явлди»  
2006

84 (59) 6-5 Бадийи аъзаби  
Шеърлар

Шеърятимизга ёш истеъдодли қизларимиз кириб  
келаётгани бизни мамнун этади. Марҳабо Собирова ана шундай  
умидли, ўв овозига эга шоираларимиздан. Унинг  
этиборинизга ҳавола этилаётган қалдирғоч китоби –  
«Настарин чечаги» шеърлар тўплами Сивни лоқайд  
қолдирмайди, деб ўйлаймиз. Яхшиси, тўпламни варақланг,  
шоиранинг эҳтиросли туйғуларига ошно бўлинг.

Масъул муҳаррир  
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон халқ шоири

Ю 32025  
09,



ISBN 5-63301838-9

© Марҳабо Собирова. «Настарин чечаги». «Янги аср авлоди», 2006 йил

**«Юрак битта дардни  
туҳфа этади...»**

*Шоира Марҳабо Собированинг шеърлари Ишқ соғинчига йўғрилган. Улардан Ишқ саси виштиллаётгандек туюлади. Висол умиди-ла ёнма-ён ҳижрон иътироби бўй тартади. Шунинг учун ҳам шоира сўявининг вамиридан чўли бир ҳарорат сириқиб туради. Зотан, Ҳазрат Алишер Навоий ёзганларидек:*

*Кайси кўнгулники макон втди Ишқ,  
Утдин ани лаъла кон втди Ишқ.*

*Марҳабо Собирова юрагида мавжуд Ишқ соғинчини гоҳ айнан шу хусусга даҳлдор воситалар орқали айтса, гоҳ тимсоллар бағрига яширинган ишоралар мисолида ифода қилади. Ҳар икки жиҳатда ҳам шоира туйғулари тўлғинланади, ҳислари умидланади.*

*Юрагим тубига бир умид чўкар.*

*Шоира ичкин иътироб билан сўзлаётган – юраги тубига чўккан бир умид: ҳам висол тасаввурида, ҳам ҳижрон тасаввурида шаклланиб Ишқ тарвини пайдо этади. Ишқни юраги тубига жо втиш баробарида, уни*

умид кўринишида рўёбга чиқаради. Наттижада, Ишқ маъноси янаям тўлишиб, шораларга кўчади. Ва Ишқни вояга етказган юрак моҳиятига айланади:

*Ишқнинг оғриқ тўла кўзида ҳайрат,  
Юрак битта дардни тухфа этади.*

Юрак тухфа этаётган дард — Ишқ. Шоира бунини шоралар орқали англатади. Бир-бирини тўлдириб, ёндош келган шоралар бирикиб, висол умидини, ҳижрон ивтиробини улайтиради. «Мен»ни Ишқ йўлларида Ишқ манвили томон бошлайди:

*Ишқнинг йўлларида банд бўлойим,  
Бу дунё, аслида, Ишқни шохий.*

**Икром Отамурод**

\* \* \*

Руҳимни аллалаб ўтказдим тунни,  
Садафранг кўзанинг сирлари битди.  
Биллурий қорозга ишонч сўзини  
Юлдузлар ҳам ёволмай кетди.

Ҳижрондай чўзилди бу офир кеча,  
Қарогимда ҳасратларим қунишди.  
Севгим ҳадя этган сабрнинг шохига  
Ойдан оппоқ капалаклар қунишди.

Осмоннинг қоп-қора қонин симирдим.  
Илоҳий рангларга қоришди вужуд.  
Висол томон оқ капалаклар учирдим,  
Қалбимда йирлади ишқ деган умид...

\* \* \*

Она, сочимни ўринг жамалак қилиб,  
Хув тутворнинг чангларига чанглатайин,  
Хотирамдан ўйноқи, шўх болаликни  
Ғам- ғуссали ишқимга бир англатайин...

Субҳи чори гулларга инганда шабнам,  
Шабнамга қондирайин руҳим юзини.  
Ул шодон болалигим эслайин бир дам,  
Эркалатинг армонинг ғамгин қивини...

Она, сочимни ўринг жамалак қилиб...

\* \* \*

Боботор этагида олис бир қишлоқ бор,  
У қишлоқда маним соғинчларим яшайди.  
Бир йигит бор унда, тунларин этиб бедор,  
Ҳали ҳануз йўлларимга умид тушайди.

Юрагининг туб-тубида соғинчлар йиғлар,  
Кўз ёшлари тугаблар кетганга ҳам ўхшайди.  
Илк севги ёди маним-да дилимни тирлар,  
Йиллар ўтса ҳамки юрагимда яшайди.

Эркалаб ўстирган юртимнинг шамоллари,  
Қайсаргина қизингизани энди кечиринг.  
Ўшал олис қишлоқ сари йўл олайн ман,  
Шундай қилмоқлик учун журъатимни ўстиринг...

Боботор этагида олис бир қишлоқ бор...

\* \* \*

Бир куни... Иккимиз ишқ баётин айтамыз,  
Куйчимиз бўлади само тула юлдузлар.  
Бир куни... Бир умрлик висолни тутамиз,  
Бахтимиз шохиди булар кеча-кундузлар.

Бир куни... Мунис майсалар дилим бўлади,  
Алёрлар битади гулу қизғалдоқларга.  
Марҳабо ҳам остонангта қадамин босиб –  
Алла айтар балки, кўвлари мунчоқларга...



\* \* \*

Узун йўл қўйнида севинч ҳилпирар,  
Салом айтар дарахтларнинг қадди дол.  
Соғинчин пойимга тўшаб югурар,  
Суврати қалбимга чивилган аёл.

Мени кўриб қушчалар ин қуради,  
Тўполончи укам жабрини тортиб.  
Оқшом ишдан ҳориб қайтади отам,  
Кўз ёшларин менинг кўзимга артиб.

Қачон келишимни еллардан сўраб  
Анорин асрабди Норбийи момо.  
Момога айтолмай яширин дардин,  
Қўшни бир йигитнинг юраги хино...

\* \* \*

Кетасан... Мўлтираб ортингдан,  
Бир қалб йиғлар бағрини тилиб.  
Кетасан, узун ҳижрон дардин  
Қисқагина висолга илиб.

Совуқ ишқни ёпинар у жим,  
Топингани – дилни тирлар.  
Кўкси тўла ғанимнинг тоши,  
Кўзлари қон – муҳаббат йиғлар...

\* \* \*

Ялдониң кучорида қолдик иккимиз,  
Азоблар «ардори»дан толдик иккимиз,  
Юлдузлар қароғига кўчди руҳимиз,  
Ҳижрон, кел-эй, энди мангу дўст бўламиз,  
Ахир, сенда на гуноҳ, менда на гуноҳ?

Соҳир туйғуларни хор этиб нетамиз,  
Куюк бу кўнгилни куйдириб нетамиз,  
Қорасоч кечани ҳам ҳамров этамиз,  
Ҳижрон, кел-эй, дўст, энди бирга бўламиз,  
Ахир, сенда на гуноҳ, менда на гуноҳ?

Балки, бу кенг олам ҳам севгига эордир,  
Балки, ким-кимлар учун муҳаббат ёрдир,  
Бир кун бизни асловчи юраклар бордир,  
Ҳижрон, кел-эй, дўст, энди бирга бўламиз,  
Ахир, сенда на гуноҳ, менда на гуноҳ?

\* \* \*

Дил нимта-нимта,  
Юрак ҳурковуч,  
Кел, дилқушим-эй,  
Юрагимдан сув ич!  
Дардимни ойга ёрдим,  
Ойнинг бағри бўлди қон...  
Дилқушим, тушимми, ё ҳушим,  
Бир умр бўлдим Қурбон...

\* \* \*

Зулматни ёпиниб ухлайди кундуз,  
Шафақни туш кўрар қўйнида қуёш.  
Ойнинг сочларини тарайди юлдуз,  
Ҳижрон — йиғлоқ қизга инади бардош.

Иложсиз охириб боради кеча —  
Йиғлоқни кўзида уйқу тунайди.  
Тун — маъсум беканинг тиниб кўз ёши,  
Армонни етаклаб секин жўнайди.

\* \* \*

Хона совуқ, деворлари совуқ,  
Совуқ хонада қотади дийдам.  
Зил-замбил дардларим кўтаролмай  
Хўрсинганча синади диван ҳам.

Ҳижрондай оғир чертилади вшигим,  
Югураман, ногаҳоний илинж жам.  
Телба нигоҳнинг қаҳридан бевиб  
Кириб келади «гуноҳкор» ҳамхонам.

Эшик тўзғитади хаёларимни,  
Ўйлар қўйнидан чиқиб кетаман.  
Ўтгани сайин вақтнинг миллари —  
Ўвимни ўзим... Англаб етаман.

## КУЗ

Иложсия тўкилар япроқлар ваъфар,  
Еллар хавонлардан гилам тўқийди.  
Дарахтлар аламдан аччиқ куй чалар,  
Маҳвун барглариға виво ўқийди.

Шамол япроқларнинг сунгги умидин  
Олис ўлкаларга олиб кетади.  
Хавонли маъводан келган бу фарёд  
Бир лаҳва дилимга қўниб ўтади.

\* \* \*

Сенга айтар сўзим кўп эди...  
Бироқ, кетдинг...  
Қадамнингда сўзларим синди.  
Мен дардимни ичимга ютдим,  
Дунёнинг ишидан лол эдим...

Сенга айтар сўзим кўп эди...  
Бироқ, кетдинг...  
Товоғимдан оғриқлар унди.  
Аламдан бошимни ҳам этдим —  
Сой бўйида мажнунга эдим...

Сенга айтар сўзим кўп эди...  
Бироқ, кетдинг...  
Айролиқда туйғулар тинди,  
Хушнуд кунларимни унутдим,  
Лекин... Бир юпанчга вор эдим...

\* \* \*

Дунёнинг севинчини сенга алишдим,  
Бу бедор соринчини менга алишдим,  
Ишқу муҳаббатни Бизга алишдим,  
Муҳаббат сеники, муҳаббат меники...

Бахт томон талпиниб қўлларим толди,  
Йўлларга термулиб йўлларим толди,  
Нитохрим минг турли хаёлдан толди,  
Бу хаёл сеники, бу хаёл меники...

Қўя ёшимни самоларга бермадим,  
Ғамларини саболарга бермадим,  
Бардошимни ҳаволарга бермадим,  
Бу бардош сеники, бу бардош меники...



\* \* \*

Ватан – меҳрим, қоним қоришган тупроқ,  
Ватан – юракдаги мангу шамчироқ.  
Бу дунёда топинганим топганим –  
Ватан, яна не бор, сендан улурроқ?

Сен – қалбдаги иймон, кўздаги зиё,  
Онам алласига туташган дунё.  
Дилдан тилга кўчган минг такрор оят –  
Ватан, бир қушиқсан тугамас гўё....

2006  
15812

Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK

\* \* \*

Сизга мумкин ҳамма нарса:  
мумкин бу дунёда ўйнамоқ,  
кулмоқ  
ва... истаганча  
алдамоқ, хўрламоқ.  
Мумкин сизга дунёнинг,  
лаззатию ороми.  
Бизга ўса изтиробу,  
жабру ситам армони.  
Сизнинг қўлларингиз узун,  
ойга ҳам етиши шубҳасиз...  
Биз-чи имконсиз, қурбимиз етмас,  
Ҳатто  
ишқ йўлида қолдик иложсиз...

\* \* \*

Бир куни қишлоқдан бош олиб кетсам,  
Армонлар тугуни отини сурса.  
Малик бобом руҳи бир бора қайтиб,  
Хўжанд боғларидан ҳолимни сўрса —  
Ой момо, жон момо, шунда не бўлади?

Онамнинг бағрини тилиб хотирлар —  
Юраги эзилиб бетин йирласа.  
Ортимдан тизилиб карвондек сирлар,  
Зил-замбил нигоҳлар қалбим тирласа —  
Ой момо, жон момо, шунда не бўлади?

Юрагим — вужуднинг мўмин бандаси,  
Ўзга юртни Ватан айласа абад.  
Ахийри, бир куни ўзга тупроқда,  
Марҳабони ўлдирса шу муҳаббат —  
Ой момо, жон момо, шунда не бўлади?

\* \* \*

Ҳар тонг авон айтар субҳнинг қушлари,  
Соғинганим сенга айтиб боради.  
Соғинчлар етмайди, остонамда тек —  
Нигоҳлари қаҳри гумон туради.

Ўшал гумонлардан тўзғийди хобим,  
Йирлай-йирлай кўз ёшларга қонаман.  
Нураб борар сиғинганим — меҳробим,  
Охир, бир кун севгимдан ҳам тонаман...

\* \* \*

Руҳимда кезади дардлар йириниб,  
Ойдин тунда ҳижрон бағримни тиглар.  
Бир сизни соғиниб, сизга сириниб,  
Кўзим қабрида висоллар йиғлар –  
Сиз қачон келасиз, Бойчибор миниб?

Ҳар субҳи исмалоқ ёмғирдан холи  
Таскинга суяниб қушиғин тутар.  
Исмалоқ ҳидига тўймасдан ҳали  
Умидвор, энтикиб бир нигор кутар –  
Сиз қачон келасиз, Бойчибор миниб?

Эртақлар айтади овунчоқ дилим,  
Севгимнинг сирлари оламни бурқар.  
Миш-мишдан минг бора бўламан дилхун,  
Юрагим тубига бир умид чўқар –  
Сиз қачон келасиз, Бойчибор миниб?

\* \* \*

Онамга ўхшайсиз, асли муаллим,  
Отамга ўхшайсиз, асли муаллим.  
Шунчалар улурсиз, асли муаллим,  
Бу ҳаёт маъносин сиздан ўргандим!

Эсимдадир «Алифбо» тутган оним,  
Ўшал дамда кечган илк ҳаяжоним,  
Меҳру муҳаббатни топган кўрвоним –  
Минг асрлик тарихни сиздан ўргандим.

Ўргандим жумлаи жаҳоннинг сирин,  
Бахш этган менга кўздаги нурин,  
Дилимдан жой олган ҳар бири –  
Унутмоқ мумкинми, сизни муаллим?!

Онамга ўхшайсиз, асли муаллим,  
Отамга ўхшайсиз, асли муаллим,  
Ҳаётнинг ўзисиз, асли муаллим,  
Яшамоқ нелигин сиздан ўргандим!

\* \* \*

Киндик қоним томган тупроқ – онамсан,  
Ватан,  
Кўзларида меҳр чақнаган – боламсан,  
Ватан!  
Ҳар битта гиёҳинг – кўзаларимга тўтиё,  
Муродимга йўғрилган нур – толамсан,  
Ватан!

\* \* \*

Ватандин айри кўнгил ҳеч шод ўлмас,  
Кўнгил поклигисиз Ватан обод бўлмас.  
Юрт ободлигин кўзлаган кўнгил покдир,  
Кўнгилни пок этса ким, мулки ободдир.

\* \* \*

Дилим, сизни дилим дея олмадим,  
Умидимнинг сочи оқариб битди.  
Остонамга қайта келган илинжлар  
Куйган бу кўнглимни куйдириб кетди.

Илмўжларки холи қўйиб кетингиз.  
Ишқ борида внди гуллар унмайди,  
Ўв туйғунгиз ўзингиз хор этингиз,  
Маним туйғуларим внди ўлмайди.

Энди кўзларимдан ёш оқмас сим-сим,  
Бардош салтанатин мен бунёд эттум.  
Сиз севги юртида юринг, севгилим,  
Мен севгисиз юртга бош олиб кеттум.

Дилим, сизни дилим дея олмадим....

## ЭНГ ГЎЗАЛ ШЕЪРИМ ЎЗИНГИЗ

*Юрагимдаги чексиз ҳурмат ва  
эҳтиром ила муносибана онам —  
Муборақ АБДУҒАФФОР қизига*

Сиз — менинг Каъбамсиз, саждагоҳимсиз,  
Ранж тортиб келсам агар паноҳимсиз,  
Пойингиадир жаннат, улур моҳимсиз,  
Энг гўзал шеърим — ўзингиз, онажон,  
Шеъримга қувват — сўзингиз, онажон!

Узун-узун дostonларни на қилай,  
Барри чексиз осмонларни на қилай,  
Снадан ўзга уммонларни на қилай,  
Энг гўзал шеърим — ўзингиз, онажон,  
Шеъримга қувват — сўзингиз, онажон!

Ширин аллангизнинг қиммати буюк,  
Барча бедорликнинг қиммати буюк,  
Асли, умрингизнинг ҳурмати буюк,  
Энг гўзал шеърим — ўзингиз, онажон,  
Шеъримга қувват — сўзингиз, онажон!

Она сўзи билан бошланур Ватан,  
Она сўзи билан бошланур жон-тан,  
Она сўзи билан дунё ҳам бир тан,  
Энг гўзал шеърим — ўзингиз, онажон,  
Шеъримга қувват — сўзингиз, онажон!



\* \* \*

Яна қайтиб келди, сен севган бəҳор,  
Замин теграсида яшиллик туйди.  
Қизғалдоқ, чечаклар кўришди дийдор,  
Дунё янги ҳарир кўйлагин кийди.

Майсалар кўйлади менинг тилимда,  
Саболарга дил розимни айтдилар.  
Муҳаббат савобу гуноҳ манзилга,  
Дил қушлари – қалдирғочлар қайтдилар.

Яна қайтиб келди, сен севган кўклам,  
«Қур-в, қур-в»лаб турналар қайтди.  
Мен қайтдим, сен қайтдинг...  
Лек қайтмади бирдам,  
Айрилиқ юртидан ишқимиз байти.

\* \* \*

Ҳеч ким ертиқ суйган эмас, сиздан бўлак,  
Васлимга вор юрган эмас, сиздан бўлак,  
Вале, озор берган эмас, сиздан бўлак,  
Муҳаббатим, нафратим йўқ, сиздан бўлак...

Суйиб ҳам суйдириб, меҳр тутган – бегимсия,  
Куйиб ҳам куйдириб, Кабир бўлган – бегимсия,  
Менгамас, ўвнга ҳам жабр қилган – бегимсия,  
Муҳаббатим, нафратим йўқ, сиздан бўлак...

Осмон десам, осмондайин бўлолмаганим,  
Яхши тугул, ёмондайин бўлолмаганим,  
Ишқ йўлида посбондайин бўлолмаганим,  
Муҳаббатим, нафратим йўқ, сиздан бўлак...

\* \* \*

Оқшом...  
Деравамни кимдир чертади,  
Бахтиёр чопаман кутиб бир илинж.  
Очаману кўада ёшим қотади –  
Қаршимда мўлтираб туради соғинч...

\* \* \*

Тунлар аллалайди, ҳисларинг бедор,  
Ҳислар мени алдамаса кошкийди.  
Севаман деб айтар кўзинг бетакрор,  
Кўзлар мени алдамаса кошкийди.

Вужудимни ўртар тотли бир оғриқ,  
Кошкийди, бу оғриқ сен булсанг.  
Ардоқлаган меҳрим этардим тортиқ,  
Умидим менинг, кошки, сен булсанг...

\* \* \*

Тентирайман... Айрилиқ кўчасида  
Хўрсинган дарахтлар меҳрин туяман.  
Кетмайман дейману телбачасига,  
Ишқнинг ваъфар кўвларидан куяман.

Вужудим тақдирдан шафқат сўрайди,  
Силкиниб тўхтайдди қадамлар бесўя.  
Қаршимда қилтираб, жонсия нурайди,  
Армондек узун йўл – бир кеча-кундув.

Рухим йиғлаб талпинади Тангрига:  
«Вовайло, тупроқдан айроман-айро».  
Менинг қароғимда жовдираб турар –  
Онам дардларидан қиварган дунё...

Қанча жафоларни кўрди бошингиз,  
Гоҳ хушнуд, гоҳ оқди кўздан ёшингиз,  
Барига қайдан етди бардошингиз,  
Энг гўзал шеърим – ўзингиз, онажон,  
Шеъримга қувват – сўзингиз, онажон!

Сизга узун умр берсин, Оллоҳим,  
Умри боқий меҳр берсин, Оллоҳим,  
Юз ёшда ҳам шундай туринг, илоҳим,  
Энг гўзал шеърим – ўзингиз, онажон,  
Шеъримга қувват – сўзингиз, онажон!

Қаранг, даврамингиз сиз билан буюк,  
Яратганингиз назида ўзингиз суюк,  
Марҳабонгиз ёди, шу шеърингиз суюб,  
Энг гўзал шеърим – ўзингиз, онажон,  
Шеъримга қувват – сўзингиз, онажон!

\* \* \*

Азиям, баҳор эмас, фасли ҳазон бўлди,  
Дардларимиз дарё бўлган бир замон бўлди,  
Ҳаммасидан ишқимизга кўп ёмон бўлди,  
Бизни сиздан сизни биздан қизғанди дунё...

Кўзимизда нам, қайғулардан адо бўлдик,  
Ортимизда ғам, орзулардан жудо бўлдик,  
Бошимизда ҳам, ишқ йўлида гадо бўлдик,  
Бизни сиздан сизни биздан қизғанди дунё...

Оққуш бўлиб учиб кетолмадик иккимиз,  
Ишқимизни маҳкам тутолмадик иккимиз,  
Дилани дилга пайванд ётолмадик иккимиз,  
Бизни сиздан сизни биздан қизғанди дунё...

\* \* \*

Шеър ёзаман ҳисларим тошиб,  
Оқ қорғоз юзини армон ювади.  
Биламан...  
Шеърларимни бағрига босиб  
Кимдир мени қаттиқ севади...

\* \* \*

Йиғларман. Тақдирнинг тор кўчасида  
Юрагин ҳовучлаб қочади висол.  
Ўйлайман. Қалбимнинг зор гўшасида  
Рухимни эзилар оғир бир савол:  
Армон – менинг биринчи севгимми?!

Айрилиқ дардида аламдан куйиб,  
Хавонга айланган япроқ йиғлайди.  
Сарғайган, афтода япроқни суйиб,  
Кўнгил сўроқлари мени қийнайди:  
Армон – менинг биринчи севгимми?!

Замин айланади, айланар осмон,  
Соат милларидай айланар тинмай.  
Қалбимдан ўчмаган бир умид ҳамон  
Кунларни сўроққа тутар вринмай:  
Армон – менинг биринчи севгимми?!

\* \* \*

Нигохимга ботар толиққан ҳасрат,  
Қароримда ишқ ўлганга ўхшайди.  
Тун бўйи ёнимда изғийди вафлат,  
Субҳидам севинчим олиб келсайди.

Нимҳаяон борларда ўксир муҳаббат,  
Шақшақ шодликларга аза тутади.  
Ишқнинг овриқ тула кўзида ҳайрат —  
Юрак битта дардни тухфа этади.

\* \* \*

Юрак гулворидан учган бир қуш,  
Сиз томонлардан қайрилиб қайтди.  
Кўк юзида нолаю оҳ чекиб,  
Қанотларидан айрилиб қайтди.

Энди қанотсиз қайга учади,  
Қайга бош урар шўрлик полапон?  
Сиз мажруҳ айлаган хаста юракка —  
Малҳам бўлоларми бирорта инсон?!



\* \* \*

Айтинг энди, биздан на гуноҳ ўтди,  
Билолмадик, ҳануз озоримизни?!  
Эрта баҳор чори кузга кўв тутиб  
Хавон этманг кўнгил гулзоримизни.

Қароғимиз ўзи, аслида, намдир,  
Кўв ёшларга шунча муштоқмидингиз?  
Дилимизда бори – ранжу аламдир,  
Улардан ҳам ортган қийноқмидингиз?

Бир юракка бир армон ҳам етади,  
Бизнинг армонларнинг йўқдир саноғи.  
Араву озорларингиз елкалаб,  
Сўнгсиз армон билан кетамиз чоғи.

Айтинг энди, биздан на гуноҳ ўтди,  
Кўнгил дунёсини ранжсиз этинг, ёр?  
Кўнглингиз тарк этиб кетамиз, майли,  
Сиз ҳам бу дунёдан бизсия ўтинг, ёр...

\* \* \*

Тонг... Хўрозлар уйғотади қишлоқни  
Хув, чорпояда яна ой ботади –  
Она, қисмат сенинг муштдай жуссангга  
Яна битта ғаним кунни ортади.

Кўпаяди сочингнинг оқ толаси,  
Шамол қувончингни елга сотади.  
Кунлар тўлиштириб кўз ёшларингни,  
Она, атрофингда армон қотади...

Кўзғалади яна ғамгин ҳасратлар,  
Дардларни ортишдан эринмас тақдир.  
Она, сенга юпанч бўлғайдир фақат...  
Нимчанг чўнтагида қунишган –  
Бир шеър...

\* \* \*

Эшигимдан беҳол қайтар совчилар:  
«Бунчалар бу қизнинг юраги тошдан.  
Ахир, тегиб кетаверардига биз,  
Ошар-ошмас ўша ўн саккиз ёшдан».

Эшигимдан беҳол қайтар тутунлар,  
Тўққизларин шундоқ бағрига босиб.  
Кўз ёшлар онамнинг ювини чаяр:  
«Қизим, кетдинг-ку ўн тўққиздан ошиб».

Эшигимдан беҳол қайтар орзулар,  
Умидларнинг тоқатлари тоқ энди.  
Бехос вужудимдан недир узилар –  
Юрак совчи эмас, ишққа зор эди.

\* \* \*

Бир куни ишқимнинг қўллари ўсар  
Ва ҳады этилар унга оёқлар.  
Дунё кўзларида дунёча ёшлар  
Хиёнат боридан сени сўроқлар.

У кун косасидан тўкилар сабрлар,  
Шубҳасиз армонлар хунин олади.  
Остонангдан униб чиққан хотирлар,  
Маним кунларимни ёдга солади.

Ишқнинг қўлларида тақдир шамшири,  
Кўзлари нафратга тўлади бешак.  
Охир, етиб борар бойқуш хабари,  
Аналҳақ, афсус, дунёда ўлим ҳақ...

\* \* \*

Кўзимга сукутни қадама, жоним.  
Сукутни аллалаб кўзларим толди.  
Ой бекинди, номингдаги артаклар,  
Оқшом сафир туннинг қўйнида қолди.

Дарахтлар оқшомнинг тилсиз гувоҳи.  
Бағрида армоннинг суврати қолди.  
Шивирлаб сукутнинг сўнгги гуноҳин,  
Кўкка бўй чўзган тераклар ҳам толди.

Кўзимга сукутни қадама, жоним.

\* \* \*

Кетарман...

Ортимдан йирлаб қолади қишлоқ,  
Қарашлари қалбим тирнайди бетин.  
Онам фотиҳага қўл очар титроқ,  
Ўксинган ёшлари барримда сим-сим...

Кетарман...

Силкиниб боради қисмат елкамда,  
Шамол йўлдан айро өтмоқ бўлади.  
Ҳали нафрат не билмаган теграмда  
Мени деб кўкарган умид сўлади.

Кетарман...

Дарахтлар кўз ёши – ҳавин япроқлар  
Хўрсинар пойимда мунгли ҳам сассив.  
Баҳодирлар баррини бир туйғу тирлар –  
Ташлаб кетаётир сариққина қиз...

\* \* \*

Иилдай узун хаёли,  
Тунлари бедор утар.  
Мени севган ул йигит  
Қулларида гул, кутар.

Ҳазин-ҳазин наволар  
Борлигимдан сўзлайди,  
Мени севган йигитнинг  
Қалбида дард бузлайди.

Тундай ҳорғин юзлари,  
Юртига ҳеч кетолмас.  
Юракдаги дил дардин  
Юрак ютиб айтолмас.

Мени севган йигитнинг  
Қалбида дард бузлайди...

## ОТАМНИ ЁДЛАБ....

(Туркумдан)

Отажоним, жоним отажон,  
Қалбгинамга дармон эдингив.  
Бу оғриқли ёлрон дунёда  
Малҳам эди ҳар бир сўзингив.

Отажоним, жоним отажон,  
Сивсия дунём энди тор бўлди.  
Армонларим бир-бир тизилиб,  
Ўзгинамга келиб дор бўлди.

Отажоним, жоним отажон,  
Бу дунёга меҳмонмидингив?  
Йирлаб-йирлаб онам айтади:  
«Мен суянар қалқон эдингив!»

Отажоним, жоним отажон,  
Дардларимни кимга ҳам тўқай?  
Сивсия қолган бу кунларимга  
Қандай кўнай, қандай кўникай?

Отажоним, жоним отажон...

## ОТАМГА ҲХШАЙСИЗ

*Жаннатмакони отам – Абдугани  
Собированиги барча қадрдон  
жўраларига*

Бирингининг кўзингиадаги меҳр таниш,  
Бирингининг сўзингиадаги сеҳр таниш,  
Кулгингиа, табассумли чеҳрангиз таниш,  
Ўтмиш ёдин асраган даврангиз таниш,  
Отамга бунча ўхшайсиз, жон отажонлар?

Қай куни соғинч юрагимни сел қилиб  
Борган эдим, меҳрим туташган қишлоққа.  
Даврангизани кўриб, маржондек тивилиб –  
Кўз ёшларим айланди оташ сўроққа:  
Отамга бунча ўхшайсиз, жон отажонлар?

Қалб томирларингиз, айтинг, бирмиди,  
Сўзингиз тинглаганда қалбим тошади?  
Билмам, бу қандай англаб бўлмас сир эди –  
Қувончлар бўй чўзиб юракдан ошади,  
Отамга бунча ўхшайсиз, жон отажонлар?

Табассум қилиб, аскияни қўймангиз,  
Тилагим – сафингиз энди кам бўлмасин.  
Салобат ила давраларни безангиз,  
Мен каби фарзандлар кўзи нам бўлмасин –  
Отамни ёд этиб юринг, жон отажонлар!..



## МЕҲРИНГИЗ ЧЕКИ ЙЎҚ

*Акам Абдуллага*

Отамнинг ҳидини сориниб келдим,  
Ака, келинг, баррингизга бош қўяй.  
Шул барирдан мунис меҳри топгум,  
Меҳрингиздан отам исини туяй.

Қайтиб болаликнинг шодон йиллари,  
Сочларимдан тортиб ўйнанг, акажон.  
Дардларим чокидан сўкилиб бари,  
Кулгумизга тўлиб, яйрасин жаҳон.

Юрагим талпинар мудом сиз томон,  
Онам қошидаги меҳрибон кўнгал.  
Меҳрингиз чеки йўқ, мисли бир уммон,  
Менинг ёзганларим ундан бир шингал....

## БОЛАЛИКНИ СОФИНАМАН...

*Қизим Маҳвунабонуға*

Болаликни софинаман қизим, сен каби,  
У чорлар меннинг ҳам суянганим бор эди.  
Отам билан файзли эди унда у дунё,  
У дунёнинг ҳар лаҳзаси бир баҳор эди.

Болаликни софинаман қизим, сен каби,  
Қўмсарман, отамнинг кулиб туришларини.  
Болалик қолган қадрдон йўлларда туриб  
Кутарман, оқшомлар ишдан қайтишларини.

Болаликни софинаман қизим, сен каби,  
Унда орзуларим, ҳам армонларим қоришган.  
Билсайдинг-а, жоним қизим, ўшал болалик,  
Мангу кетган отам меҳри билан ёришган.

Болаликни софинаман қизим, сен каби,  
Сен ҳам гўдак кезларингни соғиниб яша.  
Исминг қўйиб, қуловингта илк авон айтган –  
Бобожонинг хотирасин қадрлаб яша...

Болаликни софинаман қизим, сен каби...

## ХАЛҚОНА ОҶАНГДАГИ ТИЛАК

Келинчакнинг қадами етгач,  
Азиз бўлар бугун остона.  
Орвусидай ой келин кўргач,  
Кўз ёшларин тўкар қайнона.

Бу кўз ёшлар – севинч ёшлари  
Шул фурсатда селдай қуйилсин.  
Дуо қилинг сиз – момолари  
Икки ёрти бир бутун бўлсин.

Чимилдиқни тортинг янгалар,  
Куёв келин оёғин боссин.  
Бир-бирига тутиб кўзгуни  
Тонгга қадар дил розин айтсин.

Гўзал бўлсин энди тақдири,  
Қўша-қўша фарзандлар кўрсин.  
Ёлғиз ўғил ўсган ҳовлида  
Тўйларга улашиб тўйлар бўлсин.

Тўйдан ҳеч чиқмасин бошлари,  
Куёв бола қайнота бўлсин.  
Қиз узатиб, келин тушириб,  
Келин ўзи қайнона бўлсин.

Дуо қилинг сиз – момолари,  
Айтганларим ижобат бўлсин.  
Ҳар кимса ҳам етсин муродга,  
Ҳар кимга тақдир ҳиммат қилсин!

## ҲАМҚИШЛОҚЛАРИМГА

Дунё ташвишида ўзни унутиб,  
Бойлик ортидан қувиб юрар ким.  
Эртасига улкан умидни тикиб,  
Шукрона айтар бир чеккада жим  
Менинг соддагина ҳамқишлоқларим.

Даласидан тоғар оби ёвронин,  
Пахтасин – боламнинг ризқи бу дейди.  
Эл учун асрагай бир бурда нонин –  
Элимнинг тўйгани тўйганим, дейди,  
Менинг соддагина ҳамқишлоқларим.

Удли-шудликкина ҳар бир аёли,  
Қизин бешик, сепин сандиққа солар.  
Қиялари ҳам иболи-ю, ҳаёли,  
Алпомишлар юрагидан жой олар,  
Менинг соддагина ҳамқишлоқларим.

Оталар қалбида ор-номуси бор,  
Ўғлонига сабоқ берар мардликдан.  
Ҳар сўзи-ю, ҳар ишида маъни бор,  
Оллоҳ асрагай назари пастликдан,  
Менинг соддагина ҳамқишлоқларим.

Яратганим, назар сол даласига,  
Риақу рўзи хирмон-хирмон уйилсин.  
Гўзал тақдир бергин ҳар боласига,  
Топганлари фақат тўйга буюрсин,  
Менинг соддагина ҳамқишлоқларим.

## МАДАД БЎЛСИНЛАР...

Қизим, кўзларингга бу дунёни берай,  
Бобонг тилидаги бор дуони берай,  
Ой, юлдуз бирлан бутун самони берай –  
Улар тунларингда мадад бўлсинлар!

Барчинойнинг келбатини берсин, Тангрим,  
Ўзбек ойим ҳурматини берсин, Тангрим,  
Ўз-ўзининг ҳимматини берсин, Тангрим,  
Улар кунларингда мадад бўлсинлар!

Тангрим, яна энг ширин орзулар берсин,  
Ибо, ҳаё – энг ойдин туйғулар берсин,  
Қалбингга сурур, нурли ёрдулар берсин,  
Улар онларингда мадад бўлсинлар.

Бир куни толеинг кундайн тўлар,  
Гул жамолинг олдида Ой хира бўлар,  
Онаниг ниятлари тордай юксалар,  
Улар йўлларингда мадад бўлсинлар.

## ҚЎМСАШ

Болалик, оҳ, кўп гўзал эди,  
Чуғурлашиб ўйнашар эдик.  
Тўп-тўп қизу ўфил болалар  
Бир-биримиз қувлашар эдик.

Тинчимасдик қаҳратон чоғи,  
Совуқ билан тиллашар эдик.  
Макон эди қўшнимиз бори,  
Қорбўронда беллашар эдик.

Қордан ясаб улкан қорбобо,  
Ҳар тонг ундан совға кутардик.  
Эриб кетса офтоб тафтидан,  
Йирлар эдик, ғамлар ютардик.

Гўзал эди баҳорларимиз,  
Толтўтаклар ярашар эди.  
Қувалашиб юрган болалар  
Суқланишиб қарашар эди.

Чучмомалар бирам ярашган  
Даламизга чиқиб кетардик.  
Қияғалдоқни талашиб баъзан  
Ҳаддимиадан ошиб кетардик.

Ёз оқшоми жим тинглар эдик:  
Саъва, тўрғай нармаларини.  
Сўнг кечиккан қўшни боғидан  
Уғирлардик олмаларини.

Ёмон эдик, сулув қизлар ҳам,  
«Ўғри кетди»лаб қочар эдик.  
Юввошгина ёлғиз момонинг,  
Деворидан тез ошар эдик.

Сунг тивилиб ариқ бўйига  
Шафтолини туширар эдик.  
Қувроққина қизлар тушмагур  
Ортганини яширар эдик.

Армон нима билмасдик виждор,  
Биздан йироқ эди қайғу гам.  
Бола эдик, эдик бегубор,  
Севар эдик олтин кувни ҳам.

Болалик, оҳ, кўп гувал эди...

\* \* \*

Осмон олис, ундан-да олис Ой,  
Бахт ҳам олисдадир шу осмон қадар.  
Ўтиб кетаётган бахтнинг ҳойнаҳой  
Йўлида кезаётир руҳим дарбадар.

Рангим каби сариқ хавонлар ичра  
Иъғидим, туйғуларим кетди толиб.  
Дунёлари сарир этди ишқимни,  
Кетдим, телбалардай бошимни олиб.

Жуда олис эди осмон, Ой олис,  
Пешонамни силар армон кулоҳи,  
Ишқнинг йўлларида банда бўлойин –  
Бу дунё, аслида, Ишқи илоҳий...



## МУҶДАРИЖА

Икром Отамурод. «Юрак битта дардни туҳфа этади...» .....	3
“Руҳимни аллааб...” .....	5
“Она, сочимни ўринг...” .....	6
“Боботог этагида...” .....	7
“Бир куни...” .....	8
“Узун йўл...” .....	9
“Кетасан...” .....	10
“Ялдонинг кучоғида...” .....	11
“Дил нимта-нимта...” .....	12
“Зулматни ёпиниб...” .....	12
“Хона совуқ...” .....	13
Куз.....	14
“Сенга айтар сўзим...” .....	15
“Дунёнинг севинчин...” .....	16
“Ватан – меҳрим...” .....	17
“Сизга мумкин...” .....	18
“Бир куни қишлоқдан...” .....	19
“Ҳар тонг...” .....	20
“Руҳимда кевади...” .....	21
“Онамга ўхшайсиз...” .....	22
“Киндик қоним томган...” .....	22
“Ватандин айри кўнгиш...” .....	23
“Дили...” .....	23
“Тентирайман...” .....	24
“Яна қайтиб келди...” .....	25
“Авизим...” .....	26
“Тунлар...” .....	27
“Энг гўзал шеърим ўзингиз...” .....	28
“Ҳеч ким ортиқ суйган эмас...” .....	30
“Оқшом...” .....	30
“Шеър ёзаман...” .....	31
“Инғларман...” .....	31
“Нигоҳимга ботар...” .....	32

“Юрак гулзоридан...”	32
“Айтинг внди...”	33
“Тонг...”	34
“Эшигимдан беҳол қайтар...”	35
“Бир куни ишқимнинг...”	36
“Кўзимга сукутни...”	36
“Қетарман...”	37
“Иилдай узун хаёли...”	38
Отамни ёдлаб...	39
“Отамга ухшайсиз...”	40
“Меҳрингия чеки йўқ...”	41
“Болаликни соғинаман...”	42
Халқона оҳангдаги тилак...	43
Ҳамқишлоқларимга...	44
Мадад бўлсинлар...	45
Қўмсап...	46
“Осмон олис...”	48

Адабий-бадний нашр

**МАРҲАБО СОБИРОВА  
НАСТАРИН ЧЕЧАГИ**

*Шеърлар*

Муҳаррир  
Г.МИРЗАЕВА

Бадний муҳаррир  
Б.БОЗОРОВ

Техник муҳаррир  
Е.ДЕМЧЕНКО

Мусаҳҳиҳ  
Н.МИНАҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи  
Ф.БОТИРОВА

**ИБ № 4135**

Босишга 25.01.2006й да рухсат этилди.

Бичими 70x84 1\32. Босма тобоғи 1,625.

Шартли босма тобоғи 1,90. Адади 1000  
нуска. Буюртма № 16. Баҳоси келишил-  
ган нарҳда.

«Янги аср акюди» нашриёт-матбаа марка-  
зида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.  
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол  
кучаси, 60.